



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**БОШ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ИНСПЕКТОРИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**Хорижий давлатлардан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб кирилишини вақтинча чеклаш тўғрисида**

Оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотларга кўра Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон давлатларида ҳайвонлар орасида яшур, куйдирги касалликлари бўйича мураккаб эпизоотик вазият юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги қонуни 2, 24-моддаларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 апрелдаги 148-сон қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудини четдан ҳайвонлар юқумли касалликлари кириб келишидан муҳофаза қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори

**Қарор қилади:**

1. Россия Федерациясининг Воронеж вилоятидан, Қозоғистон Республикасининг Акмола вилоятининг Жаркайин туманидан ҳамда Абай, Караганда ва Мангистау вилоятларидан, Қирғизистон Республикасининг Норин вилоятидан, Туркменистон Республикасининг Ахал вилоятидан, Тожикистон Республикасининг Тоғли-Бадахшон автоном вилоятидан ҳамда Афғонистон давлатининг Нуристон, Панжшер ва Саманган провинцияларидан тирик ҳайвонлар ва термик ишловдан ўтмаган гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, субмаҳсулотлар ва хом ашёларни олиб келишга (ҳалқаро транзит бундан мустасно) 2023 йил 1 декабрдан вақтинча чеклов ўрнатилсин ва бу ҳудудлардан ушбу товарлар импорти учун тегишли ветеринария ҳужжатларини расмийлаштирилиши тўхтатилсин.

2. Жорий йилнинг 1 декабригача хорижий давлатларнинг ваколатли органи томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган тегишли ветеринария сертификатларига мувофиқ тегишли рухсатномага асосан ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш амалга оширилиши белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда Давлат чегараси ва транспортдаги Бош давлат ветеринария инспекторлари:

ўрнатилган вақтинча чеклов бўйича юқоридаги ҳудудлардан тирик ҳайвонлар ва термик ишловдан ўтмаган гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, субмаҳсулотлар ва хом ашёларни импорт қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатилсин ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг 2023 йил 22 сентябрдаги 01/19-07-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ишлар бошқармаси (У.Исмамов) мазкур қарорни давлат ветеринария хизмати тизимидаги барча орган ва муассасалар, тегишли вазирлик ва идоралар, корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга етказилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ўринбосари А.Ақбаров зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош давлат ветеринария**  
**инспектори**

Тошкент ш.,  
2023 йил "30" 11  
01/19-09 сон



**Б.Норқобилов**